

ГЛАУКОМАНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МИНТАҚАВИЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА АЙРИМ ЕЧИМЛАРИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИҚЁСИДА)

Мамасолиев З.Н., Мамасолиев Н.С., Назаров Б.М.,

Андижон Давлат тиббиёт институти, Андижон.

✓ Резюме

Тадқиқотнинг мақсади: Глаукома касаллигини тарқалишини аниқлаш учун проспектив тусли аналитик эпидемиологик текширувни, Ўзбекистоннинг Фарғона водийси шaroитида ташкил этиш ва амалга оширишдан иборат бўлди.

Текшириш масалалари: Тадқиқот уч йил давомида, глаукомани баҳолаш учун комплекс сўровномали-эпидемиологик, биохимик, инструменталь ва махсус офтальмологик ҳамда статистик математик усуллар қўлланилди. Текширувга 1112 та $\geq 1,5-70$ ёшдаги эркаклар (36,0 %) ва аёллар (64,0 %) жалб қилинди. Проспектив тусли кузатувда аналитик эпидемиологик ёндашувдан фойдаланилди ва унда замонавий глаукомани эпидемиологик таъсирига оид натижалар олинди. Хусусан, аниқланди-ки, жами глаукома эркаклар популяциясида 35,7 % ва аёлларда 64,3 % ни ташкил этиб учирайди ($P < 0,05$). Маълум бўлди-ки, водий иқлимий шaroитида глаукома 1,8 мартаба кўп аёлларда учираши тасдиқланади. Бу, бошқа минтақаларга қиёслаганда [3,7] нисбатан юқори кўсаткич ҳисобланади ва табиийки, глаукомага нисбатан номақбул эпидемиологик шaroит вужудга келганидан дарак беради.

Текширув материаллари ва усуллари: Ўзбекистонда, Фарғона водийсининг ўзгарувчан ва кучли континентал иқлимий шaroитида, Глаукомани келиб чиқиши учун номақбул эпидемиологик шaroит вужудга келади. Шунинг учун аҳолини, глаукома билан хасталаниб улгурган беморларнинг яққол клиник белгиларини аниқлаб ва баҳолаб бориш учун эпидемиологик текширувлар кенг амалиётланиши мақсадга мувофиқ илимий тавсия эканлиги аниқланди.

Хулоса: Глаукома эпидемиологиясига оид адабий шарх ва шахсий маълумотлар (1112 та $\geq 15-70$ ёшдан ошган аҳолини текширилган) баён этилган. Тасдиқланган-ки, Ўзгарувчан ва кучли континенталь иқлимий шaroитида глаукомани келиб чиқиши учун номақбул эпидемиологик шaroит вужудга келади. Шунинг учун аҳолини фаол кузатиб бориш ва глаукомани барвақт аниқлаб бориш мақсадида эпидемиологик текширувлар кенг амалиётланиши зарур деб тавсия этилади.

Калит сўзлар: глаукома, эпидемиология, метеомиллар, клинко- метеорологик мониторинг.

АКТУАЛЬНЫЕ РЕГИОНАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И НЕКОТОРЫЕ РЕШЕНИЯ ГЛАУКОМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ (ПО ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ)

Мамасолиев З.Н., Мамасолиев Н.С., Назаров Б.М.,

Андижанский государственный медицинский институт, Андижан.

✓ Резюме

Целью исследования- была организация и проведение проспективного аналитического эпидемиологического исследования для определения распространенности глаукомы в Ферганской долине Узбекистана.

Вопросы обзора: В исследовании использовались комплексные обзорно-эпидемиологические, биохимические, инструментальные и специальные офтальмологические и статистические математические методы для оценки глаукомы в течение трех лет. В исследовании приняли участие 1112 мужчин (36,0%) и женщин (64,0%) в возрасте $\geq 1,5-70$ лет. В проспективном наблюдении был использован аналитический эпидемиологический подход, в ходе которого были получены результаты по эпидемиологическим эффектам современной глаукомы. В частности, было обнаружено, что тотальная глаукома встречается у 35,7% мужского населения и 64,3% женского населения ($R < 0,05$). Было обнаружено, что глаукома встречается в 1,8 раза больше женщин в климате долины. Это относительно высокий показатель по сравнению с другими регионами [3,7] и, конечно же, указывает на неблагоприятные эпидемиологические условия для глаукомы.

Материалы и методы исследования: В Узбекистане в условиях изменчивого и резко континентального климата Ферганской долины существуют неблагоприятные эпидемиологические условия для возникновения глаукомы. Таким образом, было установлено, что широко распространенная практика эпидемиологических исследований для выявления и оценки населения, очевидных клинических признаков больных глаукомой является научной рекомендацией.

Выводы: Приведен обзор литературы и личные данные по эпидемиологии глаукомы (обследовано 1112 человек - 7 в возрасте 15-70 лет). Поэтому рекомендуется широко практиковать эпидемиологические обследования для активного мониторинга населения и раннего выявления глаукомы.

Ключевые слова: глаукома, эпидемиология, метеорологические факторы, клинко-метеорологический мониторинг.

ACTUAL REGIONAL PROBLEMS AND SOME SOLUTIONS TO GLAUCOMA IN UZBEKISTAN" (IN THE FERGANA VALLEY)

Mamasoliev Z.N., Mamasoliev N.S., Nazarov B.M.,

Andijan State Medical Institute, Andijan.

✓ Resume

The aim of the study was to organize and conduct a prospective analytical epidemiological study to determine the prevalence of glaucoma in the Fergana Valley of Uzbekistan.

Review questions: The study used comprehensive epidemiological, biochemical, instrumental, and special ophthalmic and statistical mathematical methods to assess glaucoma over three years. The study involved 1112 men (36.0%) and women (64.0%) aged 1.5-70 years. In prospective observation, an analytical epidemiological approach was used, during which results were obtained on the epidemiological effects of modern glaucoma. In particular, it was found that total glaucoma occurs in 35.7% of the male population and 64.3% of the female population ($R < 0.05$). It was found that glaucoma occurs 1.8 times more women in the valley climate. This is a relatively high figure compared to other regions [3,7] and, of course, indicates an unfavorable epidemiological setting for glaucoma.

Materials and methods of research: In Uzbekistan, under the conditions of the changeable and sharply continental climate of the Fergana Valley, there are unfavorable epidemiological conditions for the occurrence of glaucoma. Thus, it was found that the widespread practice of epidemiological research to identify and assess the population, obvious clinical signs of patients with glaucoma is a scientific recommendation.

Conclusions: A review of the literature and personal data on the epidemiology of glaucoma is presented (1112 people-7 aged 15-70 years were examined). Therefore, it is recommended to widely practice epidemiological surveys for active monitoring of the population and early detection of glaucoma.

Keywords: glaucoma, epidemiology, meteorological factors, clinical and meteorological monitoring.

Долзарблиги

Глаукома пандемик табиатли юқумли бўлмаган касалликлар (ЮБК) орасида кенг тарқалганлиги, қимматбаҳо даволаш усуллар заруратиға олиб келиш-лиги, хавфли асоратли (кўрлик) даражасини юқори-лиги ва ҳаёт сифатини, кескин ёмонлашиши билан боғлиқлиги туфайли алоҳида ўрин эгаллайди. Алоҳида такидлаш ўринли бўлади-ки, ёши улуг (кексалар ва қариялар) ва геронт аҳоли (узоқ умир кўрувчилар) популяциясида глаукомани ўрганиш бўйича адабий манбалар сони жуда кам ёки умуман йўқ (90 ёшдан ошганларда), борларидаги маълумотлар анча эскир-ган ва зиддиятли. Бугунги кунда дунёда олиб борила-ётган тадқиқотларда [2,3,5] ҳозирда маълум бўлган глаукомани даволаш усулларида ҳеч қайси мукам-мал ҳисобланмаслиги аниқланган, йўқотилган кўрув фаолиятини (кўрликни) 100 % ўрнини босмайди ва давони ўзи кўпинча асоратлар хавфидан холи эмас бўлади. Ҳозирги кунда касалликни ташхислаш ва да-волаш соҳасида эришилган ютиқлар улкан, лекин шунга қарамадан, эпидемиологик тадқиқот натижа-лари бўйича аниқланишича [4,6,7], глаукома билан касалланиш даражаси бутун дунёда ортиб бормоқда, уни тўхтатиш имконияти бўлмапди. Шу нуқтаи на-зардан, ушбу тоифа беморларнинг, айниқса ёши улуг-ларни ва геронт аҳолини, ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг умумий яшовчанлигини ошириш замона-вий офтальмологиянинг ўта долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [1,9].

Бунинг учун, ўйлаймизки, янги илмий йўналиш-лар Ўзбекистонда тақозо этилади. Чунки, кўрсатил-ган масалалар улуг ёшли замонавий аҳолида эпиде-миологик тадқиқот этилиб мутлақо ўрганилмаган ва демак, юқорида зикр этиб ўтилган оқ доғларни ҳамда муаммоларни ҳал этиб бериш очиқ қолган. Шунинг-дан олиб, Андижон давлат тиббиёт институтида айнан шуларни ечимининг минтақавий жиҳатларини ўрганиш борасида алоҳида илмий дастур ишлаб чи-қилди, амалга оширила бошланди. Улар ҳақида кўлам-ли натижаларимиз келгуси нашрларимизда тағдим этилади.

Масаланинг долзарблигини иккинчи тамони ҳам бизга аён бўлди. Гап шундаки, охириги йилларда глау-команинг клиник кечиши билан иқлимий-метеоро-логик омилар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар салмоқлари ортиб бораёт-ганликлари эътиборни жалб қилади [9,10,11]. Искотли илмий натижаларга кўра метеорологик нобарқарор-ликлар глаукома ҳуружларини кучайтирадилар ва улар ўзларининг патоген таъсиротларини Кальфа назаря-си бўйича 4 бўғинлар (кўз ички пардаларидаги баро-рецепторлар, орқа ва чўзинчоқ мияда жойлашган ба-рорецепторлар, миянинг гипоталамус соҳасида ва бош мия пўстлоғида жойлашган барорецепторлар) орқа-ли ўтказадилар.

Айрим тадқиқотчилар маълумотлари бўйича глау-кома аксарият атмосфера босимининг ортиши са-бабли кучаяди [12], бошқа натижаларга кўра эса глау-комаси бор беморлар аҳволларининг ёмонлашувла-ри ва метеомилга мутлақо алоқасиз ҳолда рўй бера-дилар [13]. Минтақавий шароитларда глаукомани қиёсий таҳлиллаб ўрганиш орқали аниқланган маъ-лумотлар кўрсатадиларки, баланд тоғли шароитда бу хасталик жуда кам учирайди, гипобария кўрув анали-заторларига салбий таъсир кўрсатиб кўрув фаолияти-ни аста секин бузилишига, кўзнинг бутунлай кўрмай қолишига олиб келади, денгиз сатҳидан баландликни ошиб боиши ва атрофдаги ҳаво ҳароратини пасайиши билан кўзнинг танометрик босимини камайишига мойиллиги кучайиб боради [14] ҳамда ангиопатик жа-раёнлар авжланиб хасталикнинг клиник қиёфаси кес-кин ўзгаради. Қуёш инсоляциясини ошиши, шамол эсиш тезлигини кучайиши ва гипертермик режим оф-тальмотонусни оширади, тонографик кўрсаткичлар-ни ёмонлаштиради ва глаукоматоз жараёнларни ҳамда глаукома ҳуружларини шиддатлаштиради, бе-морларда 90 % гача ва уларнинг қариндош уруғлари-да 65% га етиб метеогеомагнито-таъсирчанликни ку-чайтиради [15].

Булардан келиб чиқиб тахмин қилиш мумкин бўладики, иқлимий нобарқарорликлар кўзнинг гидро ва гемодинамик жараёнларини ўзгартириб қатор кўз касалликларини ва энг аввало, глаукомани патогене-

тик "занжирлари" га минтақавий хусусиятлар бағш этади ҳамда шубҳасиз, муъаян жуғрофий-иқлимий ҳудудларда (болалардан бошлаб то геронт ёшигача бўлган популяцияларда) улар турлича тарзда ифодаланадилар. Бу масала деярли ўрганилмаган ҳолда қолиб келаяпти. Яна аниқланадики, аксарият илмий манбаларда ноаниқликлар ва қарама-қарши ахборотлар берилган, кўпинча кузатувга жалб қилинганлар старли бўлмаган ва боз устига, ғуҳлашда ҳамда клинко-метеорологик мониторингни ташкил этишда методологик хатоликларга йўл қўйилган ёки натижаларни статистик таҳлилда бир томонлама ёндашувчилик сезилади. Ўзбекистонда эса, кўпинча глаукомани иқлимий омилларга боғлаб айрим ҳудудлардагина қисман ўрганилган ва уларни аксариятига сал кам бир аср бўлиб, ўз-ўзидан қимматини, йўқотиб улгурган (16). Бу масала ҳам Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан иқлимий шароитларида комплекс ўрганилмаган, жумладан, Фарғона водийсида ҳам муфассал ёритилиб баҳоланмаган, ҳам назариётда ва ҳам амалиётда глаукомани метеопрогнослашга асосланаб тақомиллаштирилган даволаш-профилактика тизими яратилмаган. Шунинг учун ҳам климатофтальмологиянинг мазкур йўналишида илмий тадқиқотчилар ўта фаоллик билан ва замонавий тажриба ҳамда усуллардан фойдаланиб давом этдирилишини мақсадга мувофиқ деб тавсия этилади.

Тадқиқотнинг мақсади глаукоманинг тарқалишини баҳолаш учун умумжаҳон миқёсда кенг тавсия этилган ва қабул қилинган проспектив тусли аналитик эпидемиологик текширувни Ўзбекистоннинг Фарғона водийси шароитида ташкил этиш ва амалга оширишдан иборат бўлди.

Материал ва усуллар

Тадқиқот уч йил давомида бажарилди, глаукомани баҳолаш учун комплекс сўровномали-эпидемиологик, биохимик, инструменталь ва махсус офтальмологик ҳамда статистик математик усуллар қўлланилди. Текширувга 1112 та $\geq 1,5$ -70 ёшдаги эркаклар (36,0 %) ва аёллар (64,0 %) жалб қилинди. Метеоэлементлари нобарқарор тебраниб туриш ва кучли континентал иқлими билан тасдиқланган Фарғона водийсида олган бизнинг натижаларимиз тадқиқотчиларнинг мушоҳидаларидан тубдан фарқ қилади.

Проспектив тусли кузатувда аналитик эпидемиологик ёндашувдан фойдаланилди ва унда замонавий глаукомани эпидемиологик таъсирига оид натижалар олинди. Хусусан, аниқланди-ки, жами глаукома эркаклар популяциясида 35,7 % ва аёлларда 64,3 % ни ташкил этиб учирайди ($P < 0,05$). Маълум бўлдики, водий иқлимий шароитида глаукома 1,8 маротаба кўп аёлларда тасдиқланади. Бу, бошқа минтақаларга қиёслаганда [3,7] нисбатан юқори кўсаткич ҳисобланади ва табиийки, глаукомага нисбатан номақбул эпидемиологик шароит вужудга келганидан дарак беради ёки уларни шаклланишида экологик ва иқлимий омилларни таъсири катта эканлигини исботи аниқ бўлиб бормоқда. Маълум бўлдики, очик бурчакли глаукома аҳоли орасида 30,0 % га етиб тарқалган, 40,0 % эркакларда ва 60,0 %, яъний 1,5 баробарга етиб кўп аёлларда учирайди. Ундан фарқли ўлароқ ёпиқ бурчакли глаукома аҳоли орасида 35,5 % даражада қайд этилади, 36,5 % эркакларда ва 63,5 %, яъний 1,7 карра

кўп аёлларда кузатилади ($P < 0,05$). Тасдиқланди-ки, аралаш глаукома аҳоли орасида 23,0 % га етиб тарқалган, 29,0 % эркакларда ва 71,0 %, 2,4 баробар кўп аёлларда аниқланади ($P < 0,01$). Глаукомани ўткир ҳуружи, бизнинг натижаларимиз бўйича, 8,8 % ташкил қилиб тарқалган, 23,9 % эркакларда ва 76,1 % аёлларда ёки 3,2 баробар аёллар популяциясида кўп учирайди ($P < 0,001$). Исроланди-ки, мутлоқ глаукома аҳоли орасида 5,8 % га етиб тарқалган, эркаклар популяциясида 42,8 % ва 57,2 %, 1,3 баробар ортиқ аёлларда аниқланади ($P < 0,05$). Глаукомага гумон қилишни кузатилиши аҳоли орасида 6,5 % ни ташкил қилади, эркакларда 28,1 % ва унга нисбатан 2,7 баробарга кўп - 71,9 % аёлларда қайд қилинади ($P < 0,01$). Илмий манбаларга солиштирилганда мазкур кўрсаткичлар энг кўплиги билан эътиборни тортади ва бу, биринчидан, махсус эпидемиологик ёндашув қўлланилганлиги ва иккинчидан, текширув ҳудудининг иқлимий-минтақавий хусусиятлар ибилан боғлиқ бўлиб, умуман глаукомага оид номақбул ўсиш тенденцияси юз бераётганлигини тасдиқлайди.

Превентив офтальмология нуқтайи назари дан ёки аксарият юқумли бўлмаган касалликлар учун хатарли омил сифатида эътироф этилади. Жумладан, глаукоманинг ёшга боғлиқ ҳолда кўпайиб бориши ҳақида маълумотлар келтирилади ва шу билан бирга, Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари борки, вақти вақти билан такрорий равишда ёки фактори билан эпидемиологик вазиятларни алоқадарлик даражаларини таҳлил қилиб туриш назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ва яна, иқлимий нобарқарор ва кучли континентал минтақада, бу мавзуда глаукома муаммоси эпидемиологик нигоҳ билан ўрганилмаганлиги эътиборга олинса, шубҳасиз, зикр этилган илмий йўналишларга ўз-ўзидан зарурият ва эҳтиёж янада ортади. Ўйлаймизки, бу борада бизнинг олган натижаларимиз муъаян аҳамият касб этади. Чунончи, уч йиллик проспектив текширувимида тасдиқланди-ки, глаукомани тарқалиши ва авжланишида ёки хатарли омил бўлиб салбий таъсирини ўтказди. Унинг кўпайиши аҳоли ёшини иккинчи декадасидан, бошланади ва бизнинг натижаларимиз бўйича учинчи ўн йилликда илк ёки ёш ғуҳларига қиёсан глаукома 1,5 баробардан зиёдга ошади. Тўртинчи ўн йилликда бу суръат 3 баробардан кўпга ва бешинчи ўн йилликда -10 баробарга етиб шиддатли тус олади. Хасталанишнинг энг юқори натижалари 60- 69 ёшдан аниқланади. Бундай тенденцияларни у ёки бу минтақавий ҳудудларда аниқланиши ва ўрганиб борилиши, сўзсиз, ташхисий, погностик, клиник ва профилактик ҳамда терапевтик салоҳият касб этиб глаукома билан боғлиқ "кўзи ожизлик" ка қарши курашиш тизимини яратишда аҳамиятлидир.

Хулосалар

1. Ўзгарувчан ва кучли континенталь иқлимий шароитда глаукомани келиб чиқиши учун номақбул эпидемиологик шароит вужудга келади. Шунинг учун аҳолини, глаукома билан хасталаниб улгурган беморларнинг яққол клиник белгиларини аниқлаб ва баҳолаб бориш учун эпидемиологик текширувлар кенг амалиётланиши ҳамда қўлланилиши зарур.

2. Фарғона водийсининг ўзгарувчан ва кучли континентал иқлимий шароитда глаукома аёл ва эркакларда 1,8: 1 нисбатда кенг тарқалади, алоҳида эпиде-

миологик тавсифий хусусияларга эга ва ёшга боғлиқ холда ўн баробарга етиб кўпаяди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Макогон С.И., Онищенко А.А., Макогон А.С. Приверженность лечению у лиц помиллого и старического возраста с первичной открытоугольной глаукомой // Ноциональной журнал глаукома-2019. - № 4- С 5.
2. Валков Н.В., Завадский П.Ч., Кураедов А.В. и др. Гипотензивные режимы, обеспечивающие целевой уровень офтальмотонуса у пациентов с первичной открытоугольной глаукомой (результаты иногоценетрового аналитического исследования) // Ноциональной журнал глаукома-2019. - № 4- С 48-51.
3. Глаукома Ноциональное руководство // Под ред.Е.А. Егорова. М ГОЭТАР - Медиа - 2013. - № 4- С 820-823.
4. Балалин С.В., Факин В.П., Факторы риска и толерантное внутриглазное давление при первичной открытоугольной глаукомой // Вестник, Оренбургской государственногоуниверситета. -2013.- 153 (4): 33-34.
5. Avdeev R.V., Aleksandrov A.S. et al. Prediction of the duration of the disease and the age of patients with different stages of primary open angle glaucoma // Natsional nyu zhurnal glaukoma. - 2014; 2:60-65.
6. Мескини М., Каменских Т.Г. и др Псевдоэкс фолиативный синдром, псевдоэксфолиативная глаукома: современный подход к мониторингу //Национальный журнал глаукома. -2019- №4-С.38-39.
7. Брежнев А.Ю., Куришева Н.И. и др. Проблемы ранней клинической диагностики псевдоэкс фолиативного синдрома // Офтальмология. -2012. № 1.-С. 50-51.
8. Куришева Н.И., Брежнев А.Ю. и др. Распространенность псевдоэкс фолиативной глаукомы в Центральном и Центральном-Черноземном регионах России // Глаукома. -2008.-№3.-С.12-13
9. Садыкова Д.Н., Карим-заде Х.Д. Проблема глаукомы в системе офтальмологической службы в Таджикистане: становление, развитие и перспетктивы // Национальный журнал глаукома. -2019-№3.-С. 111-113.
10. Догадова Л.Т., Мелиникова В.Я. и др. Особенности эпидемиологии глаукомы в Приморском крае // ТМЖ. -2018.-№3.-С. 97-98.
11. Neroev V.V. Organization of eye care for the population of Russian Federation // Herald of Ophthaemology. -2014.-№6.-Р. 9-11.
12. Алиева З.А., Нестеров А.П. и др. Влияние барометрического давления на органы зрения // В кн: профессиональная патология органов зрения. -М.: -Медицина. -1988. -С. 259-261.
13. Ботвинник Н.Р., Болгов П.Я. Влияние атмосферного давления на кровяное и внутриглазное давление у глаукоматиков//. В кн.: Сбор. трудов посвящ. Проф. В.Н. Долганову. -1936.-С 335
14. Джумагулов О.Д. Особенности физиологии и патологии органа зрения в условиях высокогорья // Здравоохр. Кыргызстана. -1992.- №2.-С. 20-21.
15. Курьязов И., Майчуу Ю.Ф. Влияние экологических факторалля на заболеваемость органа зрения у населения Хорезиской области // В кн: Актуальные вопросы офтальмологии. -Таткент. -1191. - С 40-41.
16. Поровский А.И. Селепота в Узбекистане и туркменистане. Причины ее и меры борьбы. -Ташкент. -1926. -С. 20-28.

Келиб тушган вақти 09.09.2020